

Ҳиндистон юлдузи Соқибхон Исломни қабул қилди



15:30 / 14.04.2021 2452

«Roadies» танлови ғолиби Соқиб Хон ижтимоий тармоқларда шоу-бизнесни тарк этиб, Аллоҳнинг йўлини тутишини ва Исломни қабул қилганини эълон қилди. Бу ҳақда theislamicinformation.com нашри хабар беради.

Соқибхон ижтимоий тармоқларда эълон беришдан аввал ўзининг Қуръони Каримни ушлаб турган суратини инстаграм саҳифасига жойлаштирди.

Унинг сўзларига кўра, у жуда оғир пайтларни бошдан кечирган, аммо эришган ютуқлари учун миннатдорлигини айтган.

У қасддан ёки билмаган ҳолда кимнидир хафа қилган бўлса улардан кечирим сўраб, афсусда эканлигини билдирди.

Хуршид Маъруф